**TOSHKENT VILOYATI AVTOMOBIL YO'LLARI**

**XUDUDIY BOSH BOSHQARMASI**

**va**

**"GEO-PROEKT" MCHJ**

**o'rtasida**

# DAVLAT AHAMIYATGA MOLIK AVTOMOBIL YO'LLARI DAVLAT KADASTRINI YARATISH ISHLARINI OLIB BORISH BO'YICHA

**№ 152 SHARTNOMA**

**TOSHKENT – 2022 yil**

**Davlat axamiyatga molik avtomobil yo'llarida**
**davlat kadastrini yaratish ishlarini olib borish bo'yicha**

**152- sonli shartnoma**

Toshkent shaxri "30" 11 2022 yil

Bundan buyon "Buyurtmachi" deb ataluvchi Toshkent viloyati avtomobil yo'llari xududiy bosh boshqarmasi boshlig'i v.v.b F.O.Axmatxonov bir tomondan va bundan buyon "Bajaruvchi" deb ataluvchi "Geo-Proekt" MCHJ nomidan, Ustav asosida ish yurituvchi direktori A.A.Abdushukurov ikkinchi tomondan quyidagi shartnomani tuzdilar:

**1. Shartnoma predmeti**

1.1. "Buyurtmachi" **Davlat axamiyatga molik avtomobil yo`llarida davlat kadastrini yaratish ishlari**ni olib borishni topshiradi.

1.2. "Bajaruvchi", "Buyurtmachi"ning bergan texnik topshirig'iga asosan (1-sonli ilova) **Davlat axamiyatga molik avtomobil yo`llarida davlat kadastrini yaratish ishlari**ni olib borishni o'z zimmasiga oladi.

1.3. Ishning boshlanish vaqti shartnoma imzolangangan kundan boshlanadi.

1.4. Ishning tugallanish vaqti 2022 yil "31" dekabrgacha.

1.5. "Buyurtmachi" ishlarni amalga oshirish uchun zarur bo`lgan birlamchi ma'lumotlar va materiallarni "Bajaruvchi"ga ishlarni boshlashdan 3 kun avval taqdim etadi.

1.6. Agar "Buyurtmachi" tomonidan "Bajaruvchi"ga zarur bo'lgan birlamchi ma'lumotlar va materiallarni taqdim etish kechiktirilsa, ishlarni boshlash va tugatish vaqti ham mos ravishda kechiktiriladi.

**2. Shartnoma bahosi va to'lov qoidalari**

2.1. Ishni amalga oshirishning baxosi (2-sonli ilova) **QQS bilan 695 000 000** (olti yuz to'qson besh million) so'mni tashkil qiladi.

22. "Buyurtmachi" shartnoma G'aznachilikdan ro'yxatdan o'tgan kundan boshlab besh bank kunida shartnoma baxosining 30 % miqdorida, ya'ni 208 500 000 (ikki yuz sakkiz million besh yuz ming) so'm avans to'lovini amalga oshiradi.

2.3. Har bir bosqichda bajarilgan ishlar uchun joriy moliyalashtirish "Buyurtmachi" tomonidan tasdiqlangan dalolatnomalar asosida ajratilgan avans mablag'i miqdori belgilangan foiz doirasida ushlab qolinib amalga oshiriladi.

2.4. "Buyurtmachi" ishlarni topshirish-qabul qilish dalolatnomalari (shu jumladan oraliq dalolatnomalari) imzolanib, Moliya vazirligidan mablag' ajratilgandan so'ng "Bajaruvchiga" bajarilgan ishlarni to'liq haqqini to'lashni o'z zimmasiga oladi.

**3. Tomonlarning majburiyatlari**

3.1. "Bajaruvchi" Ishni texnik topshiriq talablari asosida o'z vaqtida bajarishni zimmasiga oladi.

3.2. "Buyurtmachi" Ishni amalga oshirish uchun zarur bo'lgan birlamchi ma'lumotlar va materiallarni "Bajaruvchi"ning so'rovi asosida taqdim qilishi lozim.

3.3. "Buyurtmachi" shartnomada ko'zda tutilgan tartibda to'lovni amalga oshirish, Ishni shartnomada ko'rsatilgan hajm va talablarga muvofiq bajarilishida "Bajaruvchi"ga yordam ko'rsatish, ishlab chiqilgan Ishdan shartnomada ko'zda tutilgan maqsadlarda foydalanish. "Bajaruvchi"ning roziligisiz shartnoma bo'yicha bajarilgan ishlarni uchinchi shaxslarga bermaslik va undagi ma'lumotlarni tarqatmaslikni o'z zimmasiga oladi.

## 4. Ishlarni topshirish va qabul qilish tartibi

4.1. Ishni topshirish va qabul qilish texnik topshiriq (1-ilova) talablariga binoan amalga oshiriladi. Ishni bajarilishining alohida bosqichlari va yakuniy hujjatlar to'plami tarkibi texnik topshiriqda belgilanadi.

4.2. Bajarilgan va moliyalashtirish uchun qabul qilingan ish xajmlarida arifmetik xato va boshqa kamchiliklar yo'l qo'yilganligi aniqlanganda, keyingi oylarda bajarilgan ish xajmlari tegishli o'zgartirishlar (korrektirovka) kiritilgan holda rasmiylashtiriladi.

4.3. "Buyurtmachi" Ishni topshirish-qabul qilish dalolatnomasi va mazkur shartnomaning 4.1. bandida ko'rsatilgan hisobot hujjatlarini olgan kundan boshlab 3 ish kuni mobaynida Ishni qabul qilishi va "Bajaruvchi"ga imzolangan topshirish-qabul qilish dalolatnomasini yoki Ishni qabul qilmaslikning asoslangan rad javobini yuborishni o'z zimmasiga oladi.

4.4. "Buyurtmachi" Ishni qabul qilmasligining asoslangan rad javobini bergan holda zarur bo'lgan qo'shimcha ishlarning ro'yxati va ularning bajarilish muddatlarini ko'rsatgan holda, ikki tomonlama dalolatnoma tuziladi.

4.5. Agar Ishni bajarish jarayonida Ishni davom ettirish maqsadga muvofiq emasligi aniqlansa, tomonlar 10 kun muddat ichida uni to'xtatish to'g'risida bir–birini xabardor qilishi va 15 kun ichida ishlarni davom ettirish maqsadga muvofiq yoki muvofiq emasligi to'g'risidagi masalani ko'rib chiqishi shart.

4.6. Ishning to'xtatilishi tomonlarni O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksida ko'zda tutilgan oqibatlar va javobgarlikka olib keladi.

4.7. Tomonlardan biri mazkur shartnomada ko'zda tutilgan Ishni to'xtatish to'g'risida yozma xabar bergan vaqt o'zaro hisob-kitob qilish vaqti hisoblanadi.

4.8. Lozim topilgan hollarda tomonlar xolis ekspertlarga bajarilgan Ish bo'yicha xulosa uchun murojaat qilishi yoki qabul komissiyasi tashkil qilishi mumkin.

## 5. Maxfiy ma'lumotlarni himoyalash

5.1. Ish bajarilishi davrida Bajaruvchining o'zi maxfiy hisoblanadigan ma'lumotlar ishlab chiqqan yoki ularni Buyurtmachidan olgan hollarda ularni himoyalash, oshkor bo'lishining oldini olish maqsadida tegishli tadbirlar va choralar ko'radi.

## 6. Yengib bo'lmaydigan (fors-major) holatlar

6.1. Taraflarning birortasi ham boshqa tomonning oldida ushbu shartnoma bo'yicha olgan majburiyatlarini tomonlarning erki va istagidan tashqari paydo bo'lgan va ularni oldindan ko'ra bilishi yoki bartaraf etishi mumkin bo'lmagan holatlar ya'ni yer qimirlashi, suv toshqinlari, yong'in va boshqa tabiiy ofatlar bilan bog'liq holda bajarmaganliklari uchun javobgar bo'lmaydilar.

6.2. Tabiiy ofatlar bo'lganlini yoki davom etayotganligi Respublika hukumatining, mahalliy hokimiyatning shunga oid qarorlari yoki boshqa vakolatli organlar tomonidan berilgan guvohnomalar uning yetarli darajada tasdig'i bo'lib hisoblanadi. Bu to'g'risida tomonlar bir-biriga imkon qadar tezda xabar berishlari lozim.

## 7. Qo'shimcha shartlar

7.1. "Bajaruvchi" Ishni muddatidan oldin bajargan holda, "Buyurtmachi" ularni mazkur shartnomaning 4-bandiga asosan qabul qiladi va mazkur shartnomaning 2.1. bandiga asosan to'lovni amalga oshiradi.

7.2. Shartnomaning umumiy bahosi O'zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlari asosida ish haqi, mahsulotlar, yoqilg'i va xizmatlarning narxi o'zgargan taqdirda "Bajaruvchi" va "Buyurtmachi" tomonidan qayta ko'rib chiqilishi mumkin.

7.3. Mazkur shartnoma bo'yicha nizo kelib chiqqan hollarda tomonlar kelishuvga erishmagan taqdirda, qonunda belgilangan tartibda Toshkent tumanlararo iqtisodiy sudida hal qilinadi.

7.4. "Buyurtmachi" tomonidan kechiktirilgan to'lovning har bir kuni uchun 0,4 % miqdorida penya to'lanadi, biroq bunda penya umumiy miqdori bajarilgan ishlar bahosining 50 % gacha chegaralanadi.

7.5. "Bajaruvchi" tomonidan bajarilgan ishlar yoki ko'rsatilgan xizmatlar muddati kechiktirilganda "Buyurtmachi"ga muddati o'tkazib yuborilgan har bir kun uchun bajarilmagan ishlar qiymatining 0,4 foizi miqdorida penya to'laydi, biroq bunda penyaning umumiy summasi bajarilmagan ishlar qiymatining 50 foizidan oshmasligi lozim.

7.6. Penyaning to'langanligi taraflarni o'z majburiyatlarini bajarish yoki kamchiliklarni bartaraf etishdan ozod etmaydi.

7.7. Mazkur shartnoma bilan nazarda tutilmagan taraflarning javobgarligi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonun hujjatlariga, xususan O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksiga, «Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy – huquqiy bazasi to'g'risida»gi O'zbekiston Respublikasining qonunlariga muvofiq belgilanadi.

7.8. Ushbu shartnoma o'zbek tilida ikki nusxada tuzildi.

7.9. Mazkur shartnomaning amalga oshirish muddati 2022 yil "31" dekabrgacha.

**Tomonlarning manzili va hisob raqamlari**

**"Buyurtmachi"**

**Toshkent viloyati avtomobil yo'llari xududiy bosh boshqarmasi**

**Manzil: Toshkent vil., Nurafshon sh.**
**Telefon: 170-75-10**
**SH. x/r:** 30451056027401701621118001
**STIR: 200826857**

**G`azna x/v: 2340 2000 3001 0000 1010**
**Bankning nomi: Markaziy bank Toshkent sh. Boshqarmasi XKKM**
**MFO: 00014**
**STIR:201122919**

**Bosh boshqarma boshlig'i __________ F.O.Axmatxonov**

**"Bajaruvchi"**

**"GEO-PROEKT" MCHJ**

**Manzil: Toshkent shahar, Shayhontohur tumani Ko'kcha Darvoza ko`chasi 314-uy**

**Tel. 99 858 8007, 94 6119275**

**H/r :20208000405015078001**

**Bank: XATB "Davrbank" Chilonzor filiali**
**STIR:207168420**
**MFO:01046**
**OKED:71110**

**Direktor __________ A.A.Abdushukurov**

2022 йил "30" ___11___ даги
152 -сонли шартномага
2 -илова

**Давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг давлат кадастрини ишлаб чиқиш ишларининг**

## БАЖАРИШ ВА МОЛИЯЛАШТИРИШ ЖАДВАЛИ

Минг.сўм

| № | Бажариладиган ишларнинг номи | Қиймати | Бажариш | | Молиялаштириш муддати |
|---|---|---|---|---|---|
| | | | муддати | қиймати | 2022йил |
| | Аванс миқдори | | | | 208 500,0 |
| 1 | Давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг давлат кадастрини ишлаб чиқиш | 695 000,0 | Декабр 2022 йил | 695 000,0 | 486 500,0 |
| | **Жами:** | | | | **695 000,0** |

Буюртмачи ________

Бажарувчи ________

2022 yil «30» 11 dagi

152 – sonli shartnomaga 1-ilova

**«T a s d i q l a y m a n»**

**Toshkent viloyati AYXBB**

____________

____________ 2022 yil

**“Geo-Proekt” MCHJga**

**TEXNIK TOPSHIRIQ № 33**

**Buyurtmachi:- Toshkent viloyati AYXBB**

**Avtomobil yo‘llari davlat kadastrini ma’lumotlarini ishlatilishi** - O‘zbekiston Respublikasi Avtomobil yo‘llari davlat qo‘mitasining avtomobil yo‘llari tarmog‘ini rivojlantirish bo‘yicha istiqbolga rejalashtirish dasturlarini ishlab chiqishda va yuridik xamda jismoniy shaxslarni kadastr axboroti bilan ta’minlash.

**Avtomobil yo‘llari davlat kadastri ishlarini amalga oshirishning alohida shartlari**

**Kompleks topografik-geodezik ishlari:**

Davlat geodeziya tarmog‘i punktlarini o‘rganish;

Davlat geodeziya tarmoqlariga bog‘lagan holda s’yomka xududiga joylashtiriluvchi punktlar koordinatalarini GPS yordamida aniqlash;

Syomka xududi bo‘ylab teodolit (taxeometr) yo‘li yotqizish;

1:500 masshtabli va rel’ef kesimi 0.5 metr bo‘lgan syomka ishlarini bajarish;

GPS yordamida aniqlangan punktlar koordinatalarini tenglash;

Syomka materiallarini qayta ishlash;

1:500 masshtabli elektron raqamli planlar yaratish;

Elektron raqamli planlar yaratish va chop etish;

Koordinatalar katalogini tuzish;

Texnik loyixa tayyorlash va Kadastr agentligidan ro‘yxatdan o‘tkazish;

Kompleks texnik xisobot tayyorlash.**Avtomobil yo‘li yer maydonini yo‘qlamadan (inventerizatsiyadan) o‘tkazish ishlari:**

Dala ishlariga tayyorgarlik va dala ishlarini amalga oshirish;

Geodezik ishlarning yakuniy materiallari yordamida yer tuzish kartalarini yaratish;

Yer uchastkalari maydonlarini hisoblash;

Yer uchastkasining hisoblangan maydonlarini tekshirish;

Avtomobil yo‘li hududi va unga yondosh xududlardagi yerdan foydalanuvchilar bo‘yicha ma’lumotlarni shakllantirish va ularni tasdiqdan o‘tkazish ishlari.

**Avtomobil yo‘lining Geografik axborotlar tizimi (GAT)ni yaratish ishlari:**

Mavjud AutoCAD fayllarini tahlil qilish va ESRI ArcGIS formatlari ma’lumotlar bazasi strukturalarini yaratish;

Mavjud materiallarni ArcGIS formatiga konvertatsiya qilish ishlari;

Ma'lumotlar bazasida Avtomobil yo'li qatlamini yaratish;
AutoCAD (dxf) formatida yaratilgan obektlarni vektorizatsiya qilish;
Ma'lumotlar bazasida bino va inshootlar qatlamini yaratish ishlari (poligon);
Ma'lumotlar bazasiga atributiv ma'lumotlarni kiritish;
Texnik loyixa tayyorlash va Kadastr agentligidan ro'yxatdan o'tkazish:
Kompleks texnik xisobot tayyorlash.

**Standartlarga rioya qilish talablari** - Amaldagi standartlar, normativ hujjatlar va qoidalar. yo'riqnomalar, qonunchilik hujjatlari. Amalga oshirilgan ishlar ushbu topshiriq talablariga binoan qabul qilinadi

**Topshirish-qabul qilish tartibi** - Amalga oshirilgan ishlar amaldagi tartiblar bo'yicha rasmiylashtiriladi va 1 nusxada tayyorlanadi, hamda buyurtmachiga topshiriladi

**Avtomobil yo'llari davlat kadastri ishlarini amalga oshirishning muddatlari** shartnomada belgilanadi.

| **BUYURTMACHI** | **BAJARUVCHI** |
| --- | --- |
| **ma`sul vakil** | **ma`sul vakil** |
| _______________ | _______________ |

2022 yil «30» 11 dagi
152 – sonli shartnomaga 2-ilova

**Shartnoma bahosini kelishuv**
**BAYONNOMASI**

Toshkent 30 11 2022 yil

Biz quyidagi imzo chekuvchilar: bir tomondan “Buyurtmachi” deb yuritiladigan Toshkent viloyati AYXBB nomidan, Ustav asosida ish yurituvchi boshlig‘i v.v.b F.O.Axmatxonov va ikkinchi tomondan “Bajaruvchi” deb yuritiladigan “Geo-Proekt” MCHJ nomidan, Ustav asosida ish yurituvchi direktori A.A.Abdushukurov o‘rtasida shu xaqda tuzildiki:

“Buyurtmachi” **Davlat axamiyatga molik avtomobil yo`llarida davlat kadastrini yaratish ishlari**ni baxosi **QQS bilan 695 000 000** (olti yuz to’qson besh million) so‘m deb kelishilganini tasdiqlaymiz.

Ushbu bayonnoma “Buyurtmachi” va “Bajaruvchi” o‘rtasida o‘zaro hisob kitoblarni amalga oshirish uchun asos hisoblanadi.

Bayonnomada kelishilgan narx ochiq hisoblanib, qo‘shimcha ishlar paydo bo‘lganda qo‘shimcha kelishuv bayonnomasi tuziladi.

| BUYURTMACHI | BAJARUVCHI |
|---|---|
| **Toshkent viloyati AYXBB** | **“Geo-Proekt” MCHJ** |
| F.O.Axmatxonov | A.A.Abdushukurov |

## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 193701 на приобретение Давлат ахамиятга молик автомобиль йуллари давлат кадастрини яратиш ишлари

Способ проведения электронный

Дата 25.11.2022

Время рассмотрения 25.11.2022 17:21

Закупочная комиссия Тошкент вилояти автомобил йуллари бош бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

| | | | |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TAGAYEV SHUXRAT ASHIRBAYEVICH | Бош мухандис | Тошкент вилояти АЙББ |
| **Член комиссии** | UKKIYEV XASAN RISQIMBOYEVICH | специолист отдела мониторинга | Тошкент вилояти автомобиль йуллари Бош бошкармаси |
| **Секретарь комиссии** | NAZAROV ANVAR XOLIQULOVICH | начальник отдела ПТО | Тошкент вилояти автомобиль йуллари Бош бошкармаси |
| **Член комиссии** | XAITOV JAMSHID ABDIMALIKOVICH | Юрист | Тошкент вилояти автомобиль йуллари Бош бошкармаси |
| **Член комиссии** | MAXMANOV ANVAR BERDIRAXMATOVICH | Молия иктисодиёт булим бошлиги | Тошкент вилояти АЙББ |
| **Член комиссии** | GANIYEV TAXIR TURGUNOVICH | Коррупцияга карши курашиш ички назорат буйича Бош мутахассис | Тошкент вилояти автомобиль йуллари бош бошкармаси |

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 25.11.2022 года № лота 193701.
Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 60

Предмет закупки:

| **Наименование товара (работы, услуги)** | **Ведение государственного земельного кадастра** |
|---|---|
| Подробное описание | Давлат ахамиятга молик автомобиль йуллари давлат кадастрини яратиш ишлари |
| Количество товара | 1.00 |
| Единица измерения | |
| Цена товара (услуги) за единицу | 700 000 000.00 |
| Стартовая сумма | 700 000 000.00 |
| Валюта | UZS |

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 I. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар. 1-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Иш стажи 3 йилдан кам бўлмаган олий маълумотли мажбурий раҳбарлардан 1 киши мавжудлиги. 2. 3 йил иш стажига эга 2 кишидан кам бўлмаган дипломга эга мухандис ҳамда архитектор ходимларни мавжудлиги. 3. Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош мухандисини мавжудлиги. 4.Иш стажи 5 йилдан кам бўлмаган дипломли 1 киши лойиҳа бош архитекторини мавжудлиги. 5. Доимий равишда ишловчи 2 тадан кам бўлмаган малакали ишчи ходимлар (мутахассислар) мавжудлиги. 6. Ходимларнинг ўртача сони 7 кишидан кам бўлмаган.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GEO PROEKT MCHJ** | 19 | 19 | 18 | Экспертная | | |
| **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | 19 | 19 | 19 | Экспертная | | |

Критерий №2 II. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг молиявий аҳволи. 2 ва 3-шакллар

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Асосий воситаларнинг қолдиқ қиймати 50 млн. сўм ва ундан кўп. 2. Муддати ўтган кредиторлик қарздорлиги мавжуд эмаслиги. 3. Охирги йилда 50 млн. сўм ва ундан юқори фойдаси (солиқ тўлангунга қадар) мавжудлиги. 4. Иш ҳақи фонди 50 млн. сўм ва ундан юқори. 5. Тўловга қодирлилик ёки қоплаш коэффициенти 1,25 ва ундан кўп. 6. Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти 0,2 ва ундан кўп.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GEO PROEKT MCHJ** | 34 | 34 | 32 | Экспертная | | |
| **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | 34 | 34 | 32 | Экспертная | | |

Критерий №3 IV. Энг яхши таклифларни танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган моддий-техник воситалари рўйхати, 5-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Компьютер (ноутбук) техникалари 5 дона ва ундан кўп (ҳар бирига 2 балл). 2. Сметаларни ҳисоблаб чиқишда қўллаш учун дастурий комплекс(ABC4-uz) 1 та. 3. Принтер ва нусха кўпайтириш техникаси 2 та ва ундан кўп. 4. Ўлчов асбоблари (шагомер, метр ва ҳк..) 1 та

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GEO PROEKT MCHJ** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |
| **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | 20 | 20 | 20 | Экспертная | | |

Критерий №4 V. Кадастр ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган объектини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома, 6-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: Кадастр ҳужжатлари ишлаб чиқиладиган объектини кўрганлиги ва ўрганиб чиққанлиги.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GEO PROEKT MCHJ** | 2 | 2 | 2 | Экспертная | | |
| **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | 2 | 2 | 2 | Экспертная | | |

Критерий №5 III. Энг яхши таклифларни танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси 4-шакл

Тип: Текстовое значение

Описание: 1. Энг яхши таклифларни танлашдаги ўхшаш ишларни ўз кучи билан бажариш: йилига буюртмачи бошланғич нархининг 50% сўмлик ва ундан кўп. (ҳар бир йил 5 балл билан баҳоланади). 2. Энг яхши таклифларни танлаш савдосига ўхшаш профил бўйича охирги йили ўз кучи билан бажариш.

Обязательность: Не критично

| Наименование участника | Макс балл | Значение участника | Балл участника | Тип оценки | Примечание | Причина |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **GEO PROEKT MCHJ** | 25 | 25 | 25 | Экспертная | | |
| **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | 25 | 25 | 24 | Экспертная | | |

Оценка участников финансовой части составила:

| Наименование участника | Стартовая сумма | Предлагаемая сумма | Сумма с учетом конвертации (UZS) | Применение преференции | Общее значение (UZS) | Дата предложения | Оценка стоимости (балл) |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | 700 000 000.00 | 699 000 000.00 UZS | 699 000 000.00 | 00.00 | 699 000 000.00 | 25.11.2022 16:35:20 | 29.82833 |
| **GEO PROEKT MCHJ** | 700 000 000.00 | 695 000 000.00 UZS | 695 000 000.00 | 00.00 | 695 000 000.00 | 25.11.2022 16:25:09 | 30 |

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

| Наименование участника | Общий балл по технической части | Общий балл по финансовой части | Итоговый балл |
|---|---|---|---|
| **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | 67.9 | 29.82833 | 97.72833 |
| **GEO PROEKT MCHJ** | 67.9 | 30 | 97.9 |

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 193701 от 25.11.2022 года на приобретение Давлат ахамиятга молик автомобиль йуллари давлат кадастрини яратиш ишлари определила победителем:

GEO PROEKT MCHJ
207168420

и резервный исполнитель: OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST (305664150)

Проголосовали

| Комиссия | Ф.И.О. | Голосование | Комментарии |
|---|---|---|---|
| **Председатель комиссии** | TAGAYEV SHUXRAT ASHIRBAYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | XAITOV JAMSHID ABDIMALIKOVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | UKKIYEV XASAN RISQIMBOYEVICH | Согласен | |
| **Член комиссии** | MAXMANOV ANVAR BERDIRAXMATOVICH | Согласен | |

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Тошкент вилояти АЙБ
бошқарма бошлиғи в.в.б
_____________ Ф.Ахматхонов
“____” _________ 2022 йил

**Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш бўйича танлов комиссиясининг йиғилиш**

**33-сонли БАЁННОМАСИ**

*Нурафшон ш.* *30 ноябр 2022 йил*

| | |
|---|---|
| **Йиғилиш раиси:** | **Ш. Тагаев –** Бош мухандис |
| **Котиб:** | **А.Назаров** – автомобиль йўллардан фойдаланиш ва техник холатини тахлил қилиш бўлим бошлиғи |
| **Йиғилиш қатнашчилари:** | **Х.Уккиев –** Мониторинг бўлими бош мутахассиси; |
| | **Ж.Хаитов –** юрист; |
| | **А.Махманов –** молия бўлими бошлиғи; |
| | **Т.Ғаниев –** Коррупцияга қарши курашиш ички назорат бўйича Бош мутахассис; |

## КУН ТАРТИБИ

**Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш бўйича “Лойихачи” ташкилотларнинг тижорат таклифларини ўрганиш тўғрисида.**

Йиғилишни Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси бошлиғи Ф.Ахматхонов олиб борди. Бошқарма бошлиғи Ф.Ахматхонов сўзга чиқиб, **Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш** тўғрисида йиғилиш қатнашчиларини таништириб ўтди. Шунга асосан, **Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш** мақсадида таклифини билдиришди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил

22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Вазирлар Махкамасининг тегишли қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадида **Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш** тўғрисида гапириб, жорий йилнинг 18,11,2022 йилда (etender.uzex.uz) порталига эълон жойлаштирилганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтди.

Унга кўра, Тошкент **Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш бўйича** 18.11.2022 йилдаги № 193701-сонли лот билан (etender.uzex.uz) эълон берилган. Куйида келтирилган корхоналар **GEO PROEKT MCHJ ва OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** лойиха ташкилотлари томонидан тижорат таклифи такидлаб ўтди.

| **Хизмат номи** | **OOO ROAD CONSTRU PROJECT INVEST** | **GEO PROEKT MCHJ** |
|---|---|---|
| Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш учун таклиф этилган қиймати, сўм | 699.000.000,0 | 695.000.000,0 |
| **Жами:** | **699.000.000,0** | **695.000.000,0** |

Берилган тижорат таклифларидан келиб чиқиб, “etender.uzex.uz” портали орқали ҳамда 25.11.2022 йилдаги электрон ўтказиш усули баённомасида **GEO PROEKT MCHJ** томонидан берилган тижорат таклифини энг мақбул таклиф деб топди. Ғолиб деб топилган **GEO PROEKT MCHJ** бўйича 2 кун муддатда хеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли, ушбу пудратчи корхона **Тошкент вилояти автомобиль йўллари бош бошқармаси тасарруфидаги Давлат ахамиятга молик автомобиль йўлларининг давлат кадастрини яратиш ишларини бажариш** учун пудрат шартномасини расмийлаштириш ҳамда тузилган шартномани **Тошкент вилояти** Ғазначилик бўлинмасидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси Бошқарма бухгалтерияси (А.Махманов)га топширилсин.

**Комиссия раиси** Ш. Тагаев

Х.Уккиев

Ж.Хаитов

А.Махманов

Т.Ганиев

**Котиб** А.Назаров